

# САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТОВАРЛАРНИ СОТИЛИШИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Х.У.Пўлатов СамИСИ катта ўқитувчи

**Аннотация:** Ушбу мақолада савдо корхоналарида товарларни сотилиши аудити такомиллаштириш айрим масаллари

**Калитли сўзлар:** рақамли савдо, чакана савдо, ташқи савдо, куръерлик хизматлари, ички савдо, савдода чегирма, ёзма хат-хабарлар.

**Аннотация:** В данной статье приведены некоторые примеры совершенствования аудита реализации товаров в торговых предприятиях.

**Ключевые слова:** цифровая торговля, розничная торговля, внешняя торговля, курьерские услуги, внутренняя торговля, торговые скидки, письменные письма.

**Abstract:** In this article, some examples of improving the audit of the sale of goods in trading enterprises

**Keywords:** digital trade, retail trade, foreign trade, courier services, domestic trade, trade discount, written letters.

Ҳозирги даврда молиявий-иктисодий инқироздан ўтиш шароитида савдо корхоналар асосан тузилган шартномалар (буортма папкаси) ва бозор талабини чукур ва хар томонлама урганиб махсулот ишлаб чикириш, уларнинг турлари ва хажмини белгилайдилар. Бунинг учун бозорларни талаби ва таклифини урганиш зарур, тез сотиладиган махсулотларнинг турларини ва уларга булган талабни урганиш билан шугулланадилар. Ҳозирги даврда чакана савдо товарлари сотилишининг ривожланиши ва баркарорлигига махсулотларни олдиндан тузилган шартномага асосан ишлаб чикириш ва сотиш муҳим ўрин утади. Ушбу тартиб савдо фаолиятининг иктиносидий кўрсаткичини белгилаш, корхона фаолиятининг самарадорлигини белгилаш ва белгиланган максадга мувофикалигини исботлашда асосий курсаткичлар мажмуасини ҳисоблашда аудит муҳим аҳамиятга эга

Аудитоirlар товарни сотиш хажми кўрсаткичини аниклашда унга қийматининг келиб тушишидан қатъий назар сотилган ва жўнатилган товарлар, бажарилган ишлари ва кўрсатган хизматларининг умумий суммасидан фойдаланадилар.

Савдо корхоналари товарлар нархини аудитида нафақат мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилоти нархларининг ўзгариши туфайли, балки ўз ҳоҳишлиарга кўра ҳам ўзгартиришлари мумкин. Шу муносабат билан сотиш нархларининг ўзгаришини ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни ҳужжатлар билан тўғри расмийлаштириш аудити. Товарларни чакана нархларини ўзгартириш раҳбарнинг қарорига кўра амалга оширилади ва эркин (ихтиёрий) шаклда тузилиладиган инвентарлаш рўйхати билан расмийлаштирилади. Гарчи инвентарлаш рўйхати эркин (ихтиёрий) тарзда тузилса-да, бироқ унда қуйидаги маълумотлар бўлиши шарт:

- нархни ўзгариш санаси;
- қайта баҳоланадиган товарнинг номи;
- қайта баҳоланадиган товарнинг миқдори;
- товарнинг эски нархи;
- товарнинг янги нархи;
- қўшимча (кам) баҳолаш суммаси - товарнинг аввалги ва янги нархларининг қийматлари ўртасидаги фарқ.

Сотиш нархига тааллуқли бўлган даромад (фоизлардан ташқари) сотиш кунида тан олинади. Сотиш нархи киритилган фоиз ставкаси бўйича олиниши керак бўлган тўловларни дисконтлаш асосида аниқланади. Фоизлар эса киритилган фоиз ставкасини ҳисобга олувчи вақтга доир мутаносиблик асосида уларнинг олинишига қараб даромад сифатида тан олинганлигини аудитор ўз маҳоратини ишга солиши лозим.

Савдо корхонаси ”Ички савдо” бўлимида чакана товар айланмаси товарларни сотишдан тушган тушумдан иборат бўлиб, четдан сотиб олиниб, профессионал фойдаланиш мақсадини кўзлаган юридик шахслар ва якка тартиbdаги тадбиркорларга қайта сотиш тушунилади. Чакана товар айланмаси факат тузилган шартнома асосида нақд пулли ҳисобида амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахслар томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотилиши, чакана товарайланмаси ҳажмига киритилмайди.

Чакана товарайланмаси - аҳолининг сўнгги истеъмоли учун, тижорат мақсадида ва ишлаб чиқаришда қўллаш хукуқисиз нақд пулга ҳисоб-китоб қилинади.

Савдо корхоналари харидорлар томонидан катта сўммадаги товарлар сотиб олинганда, муддатидан олдин тўланганда, сотилган товарлар ичida яроқсизлари аниқланганда ва шунга ўхшаш вазиятларда чегирма тизимидан фойдаланишлари мумкин. Бухгалтерия ҳисобида харидорларга тақдим этиладиган пулли чегирмалар маҳсус контроллассив 9050-“Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” ҳисобварағида акс эттирилади. 9050-ҳисобварақ дебетида нархга ва сотувга берилган чегирмалар суммаси 4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар” ҳисобварағи билан корреспонденцияда киритилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, корхоналарда сотиш харажатларининг самарадорлигини ошириш, ҳозирги шароитда сотиш харажатларини минималлаштирган ҳолда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, уларнинг ҳисобини тўғри юритиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Хуроса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлардан бири сифатида бухгалтерия тизимида МХҲСларини қабул қилиниши корхоналарда маҳсулот ва уни сотиш ҳисобини янада такомиллаштириш ва уни МХҲСлари талаблари даражасида ҳисобини юритилиши молиявий барқарорлик билан бирга, корхоналарга хорижий инвесторлар қизиқишини ортиши ва халқаро савдо бозорларида ҳам рақобатга кириша олишларини таъминлайди.

Бундай ҳолатларда аудитор савдо корхонаси товарларни чегирма билан сотиш бўйича муомиларни ҳужжатларга акс эттирилишини ҳисобга олиб текшириш керак.

### Used literature

1. B. Khamdamov Audit economy. Monograph. Tashkent: 2005, p. 11.

2. R. D. Dosmuratov. Fundamentals of auditing. Textbook. Tashkent: 2003, page 8.
3. Amir Temur. Timur's rules. 2000 year. Page 98.
4. Kh. N. Musaev. Audit. Textbook. Tashkent: 2003, pp. 17-18.
5. A. Abdullayev and others. Fundamentals of auditing. Textbook. Tashkent: 2003, p. 10.
6. M. M. Tulakhodjaeva. Financial control system in the Republic of Uzbekistan. Study guide. Tashkent: 1996, p. 19.
7. B. Khamdamov Audit economy. Monograph. Tashkent: 2005, p. 14.